

ПАХТА ҲОСИЛИГА ҲОСИЛ ҚҰШИБ, ЙИҒИМ - ТЕРИМ МАВСУМИНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ҮТКАЗАЙЛИК

Хүрматли дәхқон ва фермерлар, аграр соҳа ходимлари! Бу йилги табиат қийинчиликларига қарамасдан, биз фермер ва дәхқонлар томонидан республика бўйича 1 миллион гектардан ортиқ майдонларда чигит қадаб, машаққатли меҳнатимиз эвазига пахтадан мўл ҳосил йиғиштириб олиш палласида турибмиз. Барчамиз яхши тушунамизки, ҳозирги ўта мураккаб иқлим шароитида кўплаб синов ва қийинчиликларга қарамасдан, ердан мўл ҳосил етиштириш – бу чинакам жасорат ва матонат намунасиdir. Халқимиз Сиздек миришкор дәхқон ва фермерлар, моҳир сувчи ва ирригаторлар, ўз ишининг ҳақиқий устаси бўлган механизатор ва агрономлар, жонкуяр олим ва тадқиқотчилар, кластер ходимлари тимсолида ана шундай фидойи инсонларни кўради ва эл-юрт дастурхонини тўкин қилиш йўлидаги шарафли ва олижаноб меҳнатингизни юксак қадрлайди. Аслида бунинг замирида Сиз ва бизнинг фидойилигимиз орқали мамлакатимизнинг иқтисодиётига ҳисса қўшишдир. Шу муқаддас заминда таваллуд ва тарбия топган, ўзини айнан шу юрт фарзанди деб билгувчи инсон ўз давлати, халқи олдидағи, уни умидлар билан тарбиялаган, вояга етказган жамият олдидағи бурчини адо этиши керакдир. Ҳиммати баланд миришкор фермерлар! Август ойида бажариладиган агротехник тадбирларнинг аҳамияти пахта ҳосилдорлигини оширишда ниҳоятда муҳим. Негаки, ҳосилнинг эртаги, сифатли ва мўл бўлиши айни шу оидаги меҳнат натижаси билан ўлчанади. Зеро, ғўза агротехникаси талабларга мувофиқ бажарилса, ривожи тезлашиб, кўсакларга кўсак қўшилади, эрта пишиб етилади, ҳосилга барака киради. Юқоридагидан келиб чиқиб, пахтадан юқори ҳосил олиш учун август ойининг кейинги 15 кунлигига яна биз фермерлар томонидан агротехник тадбирларни амалга ошириш зарур бўлаётганлигини ҳамда ортиқча етиштирилган ҳар бир килограмм пахта учун қўшимча даромад олишингизни юракдан ҳис этиб, қуйидаги тадбирларни ҳар қачонгидан ҳам масъулият билан ёндошиб амалга оширайлик!